

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2007 йил, 1 май, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ № 82 (10.891) Баҳоси эркин нарҳда

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИКНИНГ ИСТИҚБОДИ ПОРЛОҚ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 30 АПРЕЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОҲОТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ МА КАЙНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ.

— Биз Ўзбекистон билан Хитой ўртасида қарор топган муносабатларни қадрлаймиз, — деди Ислон Каримов. — 2005 йили Пекинда мамлакатларимиз ўртасида стратегик аҳамиятга молик ҳужжат — Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муносабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома имзоланди. Ўзаро муносабатларимиз йилдан-йил тобора бой мазмун касб этмоқда.

Хитойнинг БМТ Хавфсизлик кенгашининг доимий аъзоси эканлиги, халқаро аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда унинг нуқтаи назари ва қарашларига алоҳида эътибор берилиши, ҳарбий салоҳияти, коинотни тадқиқ этишдаги ютуқлари, шунингдек, ялли ички маҳсулот, ташқи савдо ва экспорт ҳажми жиҳатидан етакчи ўнликка кириши, иқтисодий ўсиш борасида олдинги ўринларда туриши Чин юртининг жаҳон иқтисодиёти ва халқаро сибсат майдонидаги юксак нуфуздан далолатдир. «Осиё аждрлари»нинг аксариятини анча ташвишга солган 1997 йилги Жануби-шарқий Осиё иқтисодий бўҳрони Хитойга жиддий таъсир кўрсатмагани ҳам унинг нечоғли қудратли ва салоҳият баландлигини кўрсатди.

Ўзбек ва хитой халқлари алоқаларининг тарихи Буюк илак йўли давридан — неча минг йилликлар қаъридан бошланади. Бугунги алоқалар ҳозирги замоннинг энг долзарб талабларига мос ҳолда ривожланиб бормоқда. Албатта, бунда икки давлат раҳбарларининг ўзаро ҳамкорлики кенгайтириш масалаларига қарашли, халқаро ва минтақавий муаммоларга ёндашувлари ўхшаш эканлиги, Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао ўртасида мустақам дўстона муносабатлар қарор топгани муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон ва Хитой ўртасида давлат раҳбарлари, вазирлар ва идоралар, илмий доиралар, маданият ва санъат намоянадалари, иш одамлари даражасидаги учрашувлар мунтазамлик касб этгани ҳам икки томонлама муносабатлар ўзаро манфаатдорлик, ишонч ва ҳурмат асосида равнақ топиб бораётганидан далолатдир. 2004 йили ХХР Раиси Ху Цзиньтао давлат ташрифи билан Ўзбекистонга келди. 2005 йили Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов давлат ташрифи билан Хитойга борди. Пекин саммити асосида Ислон Каримов ва Ху Цзиньтао томонидан имзоланган Дўстлик, ҳамкорлик ва шериклик муно-

сабатлари тўғрисидаги давлатлараро шартнома мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликини стратегик шериклик даражасига кўтаришга хизмат қилади.

Ўзбекистон ва Хитойнинг Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти доирасидаги муносабатлари ҳам ривожланиб бормоқда. Терроризм, экстремизм, айирмачилик каби таҳдидларга қарши баҳамжихат курашиш борасида давлатларимиз раҳбарлари ҳамфикрдр. Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида мунтазам маслахатлашувлар йўлга қўйилган.

Мамлакатларимиз ўртасида энергетика манбаларини тадқиқ этиш ва ўзлаштириш, нефть кимёси, энергетика, транспорт, машинасозлик, алоқа ва ахборот технологиялари, таълим, спорт соҳаларидаги ҳамкорлик жадал ривожланмоқда. Техникавий-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги битим амал қилляпти. Бу ҳужжат алоқаларни ривожлантириш жараёнини соддалаштиришга, янги йўналишларни очишга хизмат қилади. Савдо-саноат палаталари, иқтисодиёт ва кишлқ ҳўжлагли вазирликлари ўртасида ўзаро алоқалар йўлга қўйилган.

Сармовий ҳамкорлик хусусида Тошкент ва Пекин саммитларида эришилган келишувлар Ўзбекистонга қарийб 2 миллиард АҚШ доллари микдорига Хитой инвестицияси киритилишини назарда тутишини таъкидлаш жоиз. Жумладан, нефть-газ соҳасидаги ҳамкорликка оид битимнинг молиявий қиймати 600 миллион АҚШ доллари тенг. Яқинда Хитой Тараққиёт банки бош директори Ю Сюяниннинг Ўзбекистонга ташрифи чоғида «Алоқабан» акциядорлик-тижорат банки билан мазкур муассаса ўртасида кредит шартномаси имзоланди. Ушбу ҳужжатга биноан Хитойнинг «Huawei Technologies» компанияси билан ҳамкорликда «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясига қиймати 18,3 миллион АҚШ доллари тенг телекоммуникация усуналари лизинг асосида етказиб берилди.

Ма Кай Хитой Ўзбекистон билан иқтисодий ҳамкорликини янада кенгайтириш тарафдори эканлигини таъкидлаб, самий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасида иқтисодий ва сармовий ҳамкорлик истиқболига доир масалалар юзасидан атрафлича фикр алмашилди.

(ЎЗА)

МАМЛАКАТИМИЗДА МЕҲМОН БЎЛИБ ТУРГАН ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ ТАРАҚҚИЁТ ВА ИСЛОҲОТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ РАИСИ МА КАЙ РАҲБАРЛИГИДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯ 30 АПРЕЛЬ КУНИ ПОЙТАХТИМИЗДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК МАРКАЗИДА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ВАЗИРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ, МОЛИЯ ВАЗИРИ РУСТАМ АЗИМОВ БИЛАН УЧРАШДИ.

ҲУЖЖАТЛАР ИМЗОЛАНДИ

Мулоқот чоғида мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқалар, хусусан, нефть-газ, энергетика, алоқа ва ахборот технологиялари каби соҳалардаги ҳамкорлик изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Учрашувда хитойлик меҳмонларга мамлакатимиз иқтисодиётига чет эл сармоясини жалб қилишнинг устувор йўналишлари, юртимиздаги хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиёти-мизда изчиллик билан амалга оширилаётган ислотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликини ривожлантириш борасидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Музокарада нефть-газ соҳаси, транспорт коммуникациялари, юқори технологиялар, энергетика, кончилик, машинасозлик каби соҳаларда ҳамкорликини янада ривожлантириш ва мустақамлаш, биргаликда янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишга доир масалалар муҳокама қилинди. Ишга солинма-

ётган имкониятларни ўрганиб чиқиш ва улардан фойдаланиш, ҳамкорликнинг далалини, ҳамкорликнинг салоҳиятини тўлиқ юзага чиқариш йўллари юзасидан фикр алмашилди.

— Ташриф асосида юртингизда иқтисодий, ижтимоий-маданий ва бошқа каларнинг муҳим бўғини ҳисобланган иқтисодий ҳамкорликини янада мустақамлаш тарафдоримиз.

Музокара якунида икки томон учун манфаатли қатор ҳужжатлар имзоланди.

Хитойлик меҳмонлар Президент Ислон Каримов ташаббуси билан Мустақиллик майдонида амалга оширилган улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларини маълум қилди, хурриятимиз ва порлоқ истиқболимиз рамзи бўлган Мустақиллик ва эзгулик монументини кўздан кечирдилар, Темурийлар тарихи давлат музейида бўлдилар.

Ирода УМАРОВА,
ЎЗА мухбири

ТАЛАБАЛАР ФОРУМИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИДА ТАЪЛИМ, ФАН ВА МАДАНИЯТ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ХАЛҚАРО ИСЛОМ ТАШКИЛОТИ (ISESCO) ТОМОНИДАН ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2007 ЙИЛДА ИСЛОМ МАДАНИЯТИ ПОЙТАХТИ ДЕБ ЭЪЛОН ҚИЛИНИШИГА БАҒИШЛАНГАН РЕСПУБЛИКА ТАЛАБАЛАРИ ФОРУМИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги олий таълим даргоҳлари талабалари, олимлар, ўқитувчилар иштирок этди.

Тошкент ислом университети ректори Ш.Евқочев, Ўзбекистон муулмонлари идораси раиси, муфтий У.Алимов, Тошкент Давлат шарқшунослик институти ректори Р.Абдуллаев ва бошқалар миллат қиёфаси ва нуфузи маънавиятини нечоғли юксаклиги, кадрларнинг мустақамлиги билан ҳам белгиланишини таъкидладилар. Шу боис Президентимиз Ислон Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда боқий аъналаримизни тиклаш ва асраб-авайлашга, аҳолини, айниқса, ёшларни буюк аждрларимизнинг бой меросига ҳурмат руҳида тарбиялашга, алломаларимиз номлари билан боғлиқ муқаддас қадамжоларни обод этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА «ИНСОН МАНФААТЛАРИ - ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА» МАВЗУИДА ЎТГАН СЕМИНАР ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ 2007 ЙИЛ 23 ЯНВАРДАГИ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, тегишли вазирлик, давлат қўмиталари, жамоат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ишти-

2007 йил – Ижтимоий Ҳимоя йили

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ДАВЛАТ ҲИМОЯСИДА

роқ этди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилиш кўламини янада кенгайтириш, жамиятда ҳамжихатлик, эзгулик ва меҳр-шафқат муҳитини қарор топтириш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилаётгани таъкидланди.

Аҳолининг ижтимоий Ҳимояга муҳтож тоифалари, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш борасидаги ишларнинг ижросига оид масала муҳокама этилди.

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий Ҳимоя қилишга қаратилган ҳуқуқий асослар тобора мустақамланмоқда. Жумладан, Олий Мажлис Сенатининг яқинда ўтган тўқинчи йили мажлисида «Йод танқислиги касалликларининг олдини олиш тўғрисида»ги, «Ҳомийлик тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинди. Мазкур қонунларнинг биринчиси йод етишмаслиги туфайли келадиган чикадиган касалликларнинг олдини олиш, инсон саломатлигини муҳофазалашга хизмат қилса, иккинчиси, хомийлик фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш асосларини янада мустақам-

Ёқубовнинг «Ислон Каримов — Маъмур академиясини қайта ташкил этилишининг ташаббускори», Тошкент ислом институти талабаси Асқар Гибсвонинг «Имом Бухорий илмий меросининг ислом оламида тутган ўрни», Тошкент ислом университети талабаси Абдумалик Тўйчибоевнинг «Ислон ҳуқуқи ва халқаро инсонпарварлик ҳуқуқининг ҳамоханлиги», Ўзбекистон Бадий академияси Камолдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти талабаси Зилола Носированин «Мустақиллик даврида Ўзбекистонда аънавий хунармандликни тиклаш ва ривожлантириш масалалари» каби мавзулардаги маърузалари тadbир иштирокчилари томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди.

Тadbир доирасидаги кўргазмада университет манбалар хазинасидаги ноқир кўрғазмалар, анжуман иштирокчилари тайёрлаган ижодий ишлар — расмлар, хунармандлик буюмлари, меъморчиликка оид лойиҳалар кўргазмаси ташкил этилди.

Ижодий викторинада эса ёшлар ислом дини тарихи, маданияти, миллий маънавиятимиз асослари бўйича ўз билимини намойиш этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ
Янгиликлар, воқеалар

Каска
сатрларда

• **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде Самарқанд шаҳрининг 2700 йиллигига бағишлаб Республика Маънавият тарғибот маркази ҳамкорлигида «Қадимий ва навқирон Самарқанд» мавзусида ўтказилган маънавий-маърифий тadbирда олимлар, адабиётшунослар иштирок этишди.

• **ШАҲРИМИЗДА** «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ташаббуси билан ташкил этилган Миллий санъатлар маркази ўз фаолиятини бошлади.

• **КЕЧА** Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Республика ўқувчи ёшлар маркази ҳамда «Камолот» ЕИҲ ҳамкорлигида иқтидорли ёшлар ўртасида «Талантларни излаймиз» деб номланган кўрик-танлов ўтказилди.

• **ПОЙТАХТЛИК** санъат ихлосмандларига Ўзбекистонлик иқтидорли ёш рассомларнинг «Қадимий ёдронлиқлар» деб номланган асарлари кўргазмаси намойиш этилди.

• **АЙНИ** кунларда Ўзбекистон Давлат консерваториясида санъат мактаблари ўқувчилари ўртасида уюштирилган «Академик чоғлулар ва миллий эстрада ихрочилиги» кўрик-танлови қизгин давом этмоқда. Ушбу тadbир 3 майда якунланди.

• **СОБИР** Раҳимов политехника касб-хунар коллежида ўқувчилар, ўқитувчилар иштирокида Ўзбекистон халқ демократик партияси Собир Раҳимов туман Кенгаши ташаббуси билан уюштирилган тadbирда ёшлар манфаатларини қўлаб-қувватлашнинг аҳамияти борасида сўз борди.

• **БАДИЙ** академиянинг марказий кўргазмалар залида ташкил этилган халқ амалий санъати амуналари кўргазмаси якунланди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Президентимизнинг жорий йил 16 мартдаги «Алкоголли маҳсулотлар билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори Республикамиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза этишга қаратилган муҳим ҳужжат бўлиб, у бугундан эътиборан кучга киради.

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2007 йил 27 апрель куни бўлиб ўтган мажлисида «Ижтимоий Ҳимоя йили» Давлат дастурида ҳамда Сенатнинг тadbирлар режасида белгиланган вазифаларнинг ижро этилиши тўғрисида сенат қўмиталари раисларининг ҳисоботлари тингланди.

• Пойтахтимизда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан амалга оширилаётган ишлар таҳлилига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

• Жорий йилнинг 29 май куни Тошкент шаҳрида «Инвестиция форуми—2007» ўтказилди. Мазкур тadbир Avesta Investment Group ва «NAUR» қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари миллий уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

• Бухорода 3-6 май кунлари «Шойи ва зираворлар» саккизинчи халқаро фестивали ўтказилди. Унга Марказий Осиёнинг барча республикалари, шунингдек Озарбойжон, Грузия, Молдова, Россия, Австрия, АҚШ, Туркия, Германия ва Италиядан ҳам вакиллар ташриф буюрди.

• Навоий вилоятидаги «Пилла» масъулият чекланган жамияти 12 мингдан зиёд деҳқон ва фермер хўжаликлари билан сифатли пилла хом ашёси етказиб бериш юзасидан шартномалар тузди. Унга кўра пиллакорларга 368 миллион сўмдан зиёд-роқ бўнақ пули ажратилди.

• Қарши шаҳрида кураш бўйича Ўзбекистон чемпионати мусобақалари ўтказилмоқда. Мазкур мусобақаларда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардан 200 нафардан зиёд спортчи иштирок этмоқда.

• Ўзбекистон миллий матбуот марказида «Ҳамид Фулом замондошлари хотирасида» китобининг тақдими бўлиб ўтди. Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, адабиёт мухлислари иштирок этди.

• Ўзбек Миллий академик драма театрида италян адаби Эдуардо де Филиппо қаламига мансуб «Тун албатта ўтади...» пьесаси асосида сахналаштирилган спектаклнинг премьераси бўлиб ўтди.

ЖАҲОНДА

• Эстония пойтахти Таллинда оммавий тартибсизликлар собиқ совет аскарларининг биродарлик қабрларини бошқа жойга кўчириш бошлангандан сўнг жиддий тус олиб кетди, дейилади «Новости» ахборот агентлиги хабарида. Полиция берган маълумотга кўра, икки кун давом этган оммавий тартибсизликлар натижасида бир киши ҳалок бўлди, 65 киши турли даражада тан жароҳати олди. Уларнинг олти нафари полиция вакилларидир.

• Покистон Шимолӣ-ғарбида мамлакат ички ишлар вазири иштирокида бўлиб ўтаётган йигин чоғида кўпуровчилик содир этилди. Террорчи -камикадзе томонидан амалга оширилган портлаш 12 нафар кишини ҳаётдан олиб кетган.

• Буюк Британия бош вазири Тони Блэр 10 май куни ўз истеъфосини эълон қилди. «The Daily Mirror» газетасининг ёзишича, Блэр баёнотидан сўнг етти ҳафта мобайнида лейбористлар партияси бошлигини сайлаш жараёни олиб борилади. Янги бошлиқ тайинлангач, у Тони Блэр ўрнини эгаллайди.

• Саудия Арабистони полицияси бир кеча-кундузда 172 нафар ўта хавфли террорчиларни қўлга олишга муваффақ бўлди. Полиция вакилларининг маълум қилишларича, қўлга олинганларнинг кўпчилиги кўпуровчиликлар уюштириш мақсадида фуқаролик самолётларини бошқариш сабогини олишган.

• Сўнги бир йил давомида Буюк Британиядаги аксарият бой одамларнинг молиявий маблағи 20 фоизга кўпайган. Бу ҳақда «Sunday Times» газетаси хабар тарқатди.

• Маълумки, 2006 йил сентябрда Италиянинг собиқ бош вазири Сильвио Берлускони коррупцияда айбланиб, унинг устидан тергов-суриштирув ишлари олиб борилаётган эди. «Sky News» хабар беришича, Милан суди собиқ бош вазирга нисбатан барча айбларни бекор қилди.

• Миссури штатининг Канзассити шаҳридаги савдо марказларидан бирида фожеа рўй берди. Гувоҳларнинг айтишича, қуролланган шахс машинадан тушган ва тартибсиз равишда одамларга қарата ўқ ота бошлаган. Натижада уч киши ҳалок бўлган ва икки киши жароҳат олган. Полиция ходимлари жиноятчини воқеа жойида отиб ўлдиришган.

Ахир аёлларимиз оиладан, фарзандлар тарбиясида ортиб, қирқта жони ёнага қирқ биринчиси ҳам қўшиб, мустақил ватан равақи, эл-юрт фаровонлиги йўлида нисор этмоқдаки, самараси эса муваффақиятларда, изланишларда, ташаббус кўрсатишда яққол акс этиб турибди.

Пойтахтимизда ҳам тadbиркор аёллар сафи йилдан йилга ортиб, фаолият доиралари кенгайиб бормоқда. Бу борада уларга ҳар томонлама кўмак бераётган, қўллаб-қувватлаётган, қалбига йўл топиб, тadbиркорликка йўналтираётган Тошкент шаҳар «Тadbиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмасининг алоҳида ўрни бор.

— Йилдан йилга жамоат бирлашмамызга аъзо бўлган тadbиркор аёлларнинг сафи кенгайиб бораётганлиги ва энг муҳими уларнинг муваффақиятлари бизни янада шижоат билан ишлашга, маҳаллаларга кириб боришга, қалбидан эзгу нияти бор опанингиларимизни тadbиркорликка йўналтиришга, шу асосда қўшимча ишчи ўринлари яратишга, оила бюджетига ҳам муҳим ҳисса қўшишга ундайди, — дейди жамоат бирлашмаси раҳбари Насиб Миродилова. — Бунинг учун ҳар бир имкониятимизни ишга соламыз, мурожаат қилган, тadbиркорлик билан шуғулланиш истагида бўлган аёлларга тўғри йўл-йўриқлар кўрсатамыз, малакали мутахассисларимиз улардан маслаҳатларини аяшмайди, амалий ёрдам берамыз. Ахир азал-азалдан буюмо оналаримиз оилада тadbиркор ва тежамкор бўлиб келишган. Бугунги шижоатли ишбилармон хотин-қизларимиз эса бунинг ҳам оилада, ҳам жамиятда яққол исботлашмоқдаки, бу, албатта тахсинларга лойиқ. Шу боис ҳам ана шундай тadbиркорларимизнинг ташаббусларини кенг омаллаштириш, уларни элга танитиш, рағбатлантириш катта аҳамиятга эга.

Худди шу мақсадда пойтахтимиздаги «Висол» ресторанида Ижтимоий ҳимоя йилга бағишлаб «Энг мурувватли тadbиркор аёл» кўриқ-танлови Тошкент шаҳар хотин-қизлар кўмитаси ҳамда «Тadbиркор аёллар ва ишбилармонлар» жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида ўтказилди. Албатта, ҳар бир хайрли

тadbирдан яхши мақсад кўзланади. Юқоридаги кўриқ-танловда шахримиз аёлларини тadbиркорликка кенг жалб этиш, уларнинг фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, эндигина фаолият бошлаган тadbиркор аёлларга алоҳида эътибор қаратиш, қасаначиликни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган Президент Фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижроси, «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат

жиги муҳим ҳисса қўшаётган, шунинг баробарида зукко ва лобар, саховатли тadbиркор аёллар беллашувига айланган танлов бешта шарт бўйича ўтказилди. Таништирув шартлари ўз фаолиятининг кенг қирраларини намойиш этиш, ҳуқуқий саводхонлик шартли бўйича савол-жавоблардаги етуқлик, маънавий-маърифий шарт юзасидан аяна ва қадриятларимиз эъзози, халқ мақолларига берилган таърифлар, оила ришталари шартини

Калижановага насиб этди. Учтепа туманидан Моҳира Акрамова, Юнусобод туманидан Озода Зиёвудинова, Бектемир туманидан Гулмира Мелиевага кўриқ-танловнинг 3-ўрин совриндорлари бўлишди. Шунингдек, «Энг ёш тadbиркор аёл», «Истеъдодли тadbиркор аёл», «Зукко тadbиркор аёл», «Оилавий тadbиркор аёл», «Намунали тadbиркор аёл» номинациялари ғолиблари ҳам аниқланди. Ғолиб ва иштирокчилар

Иқтисодиёт

ДАВР ТАЛАБИ

«DAVR SHAMS JHOZ» МАСЪУЛИЯТИ ЧЕКЛАНГАН ЖАМИЯТИДА ҲАҚИҚАТАН ҲАМ БУГУНГИ КҮН ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА, БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИГА МОСЛАШИБ ФАОЛИЯТ ЮРИТИЛАЁТГАНИ БОИС ҲАМ МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШИЛМОҚДА.

Корхонанинг иш бошлаганига ҳали бир йил тўлсада, анчагина ишлар бажарилдики, бу харидорлар сафи ортишида катта аҳамият касб этди. Нафақат маҳсулот турларига, балки сифатига алоҳида эътибор қаратилмоқдаки, шу боис бўлса керак, цехларда тайёрланган мебеллар кўриниши, мустаҳкамлиги, талабга жавоб беришидан харидорлар кўнгли тўлмоқда. Тadbиркорлар иш бошлаган илк — 2006 йилда 15 миллион сўмлик мебель маҳсулотлари тайёрланган бўлса, жорий йилда ушбу кўрсаткични бир неча баробарга ошириш ҳамда экспорт ҳажмини кўпайтиришга эришиш мақсад қилиб қўйилган.

— Бунинг учун қўшни давлатлардаги харидорларимиз билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш баробарида уларнинг дид ва талабидан келиб чиқиб маҳсулот тайёрлашимиз лозим, — дейди корхонанинг тadbиркор раҳбари Бахтиёр Шокиров. — Албатта, ҳозирда хорижий дастгоҳлар, янги технологик линиялар келтириш, цехларимизни жиҳозлашга ҳаракат қилаямыз. Шу билан биргаллик доимий буюртмачимизга айланган «УзГАЗОйл» хорижий корхонасига 2007 йил бошида 32 миллион сўмлик маҳсулот тайёрлаб бердик. Биз замонавий мебеллар тайёрлашга интиляямыз, мебеллар дизайнини устидан тинмай ишлаямыз.

Жорий йилда корхона Тожикистон давлатига 100 минг долларлик маҳсулот экспорт қилади. Шунингдек, янги турдаги юмшоқ мебеллар ҳам тайёрлаш йўлга қўйилди.

СИФАТГА ЭЪТИБОР

СИФАТГА ҚАРАТИЛГАН ЭНГ АСОСИЙ ЭЪТИБОР МАҲСУЛОТ РАҚОБАТБАРДОШЛИгини ОШИРИШ, ХАРИДОР ЭЪТИБОРИНИ ҚОЗОНИШДА КАТТА АҲАМИЯТГА ЭГА.

«Элотия» масъулияти чекланган жамияти тadbиркорлари ҳам ана шу нарсага қатъий амал қилганликлари боис ҳам мақсадларига эришиб, аҳоли дастурхонини сифатли, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминламоқда. Россиядан келтирилган дастгоҳ ва ускуналар эса маҳаллий хом ашёдан қолбаса ҳамда қандалат маҳсулотларини тайёрлашда ишчи-хизматчиларга мадад бўляпти.

Бугунги кунга келиб маҳсулотлар турлари 30 хилдан ортди. Кўнига бир тоннадан зиёд маҳсулот тайёрлашга муваффақ бўлаётган корхонада 15 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Маҳсулотлар мамлакатимиздаги кўплаб савдо шохобчаларига шартнома асосида етказиб берилмоқда.

Тadbиркор раҳбар Зийнатулла Раҳматуллаевнинг таъкидлашича, маҳсулот турларини янада кўпайтириш, жаҳон андозалари даражасида қадқолашни ташкил этиш ниятида Германиядан дастгоҳ келтириш режаланган. Пишлоқ маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳам кўзда тутилмоқда. Ҳозирда ўзимизнинг дастгоҳлар ёрдамида тайёрланаётган 4 турдаги мармелад ширинлигининг хиллари ҳам кўпайтирилди. Шунинг билан, изланган албатта имкон топади ва унинг омади чопади, деб.

Шарофат БАХРОМОВА

ЎЗ ЎРНИНИ ТОПМОҚДА

ЮРТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИКНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА КАТТА ЭЪТИБОР ҚАРАТИЛАЁТГАНИГА КИЧИК ВА ХУСУСИЙ БИЗНЕС РИВОЖИДА ЯҚҚОЛ АКС ЭТМОҚДА. АЙНИҚСА, ДОИМИЙ БАНД Бўлмаган ФУҚАРОЛАРИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШДА ТАДБИРКОРЛАРИМИЗНИНГ ҲИССАЛАРИ САЛМОҚЛИ БўЛМОҚДА.

Мирзо Улугбек туманида фаолият юритаётган «Барака» хусусий корхонасининг тadbиркор, ишчан раҳбари Адолат Маъдиева ҳам юртимизда ушбу соҳа ривожига қаратилган эътибордан, берилган ҳар бир имкониятдан ўрнида фойдаланган ҳолда меҳнат қилиб, бир йил мобайнида 10 нафар ёшларни янги иш ўринлари билан таъминлади.

Маҳсулотлари сифатига қаратилган асосий эътибор туйғайли жамоа ахли тайёрлаётган қандалат маҳсулотлари турлари доимий равишда кўпайиб бормоқда. Бунда албатта, цехларга ўрнатилган хорижий, юксак унумли дастгоҳлар қуввати ҳам моҳир қандалатлашларга мададкор бўлмоқда. Ҳозирги кунда хусусий корхонанинг маҳсулотлари тури 10 хилдан ортқ бўлиб, улардан хуштаъм бўлчоқлар, пирожний, вафли, праник ҳамда мазаги печеньеелар харидорлиги билан ажралиб туради.

Эътиборли томони, мазкур жамоанинг маҳсулотлари фақат маҳаллий хом ашёдан тайёрланади, корхона тadbиркорлари эса доимий изланишда, улар бозор, харидорлар дид ва эътибидан келиб чиқиб, қандалатчилик маҳсулотлари турларини кўпайтириб боришмоқда.

МАҚСАДГА ИНТИЛИШ

ПРЕЗИДЕНТ СОВРИНИ УЧУН ЎТКАЗИЛГАН «ТАШАББУС—2007» КўРИК-ТАНЛОВИДА ПОЙТАХТИМИЗДАН ЖУДА КўПЛАБ КИЧИК КОРХОНА, ХУСУСИЙ ТАДБИРКОР ҲАМДА КўЛИ ГҮЛ ХУНАРМАНД УСТАЛАР ҚАТНАШИБ, ЎЗ МАҲОРАТЛАРИНИ НАМОЙИШ ЭТИШДИ. ЭЪТИБОРЛИ ТОМОНИ, УЛАР ОРАСИДА ЁШЛАР КўПЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ЭТАДИ.

Мазкур кўриқ-танловнинг Шайхонтоҳур туман босқичида «Энг яхши хунарманд» номинацияси соҳибига бўлган зардушлик устаси Дилдора Авезова иқтидори, ташаббускорлиги, янгиликка ўчилиги билан алоҳида ажралиб туради. Истиклолимиз туйғайлигина хунарманд усталарга яратилган қўлай шарт-шароитлар, берилган бир қатор имтиёзлар миллий хунармандчилигимиз ривожига, улар яратётган бетакдор, серじилва маҳсулотлари хорижийликлар—жаҳон ахли эътирофига сазовор қилишда ниҳоятда кўр келмоқда.

Дилдора хунарининг сир-синаотини мукаммал ўзлаштирган. У асосан зардушлик санъатининг Бухоро мактаби йўналишида ижод қилади. Миллий қадриятларимиз, шарқона урф-одатларимиз, нақшлар уйғунлиги, хунарманднинг қалб кўри ҳар қатмипда ўзининг ёрқин ифодасини топган. Булар — куёв-келиндарлар учун ҳамда тўй болаларга аталган зарчопон, тўн, нимча, дўппилар, эсдалик учун совгабон уй-рўзгор анжомларини ташкил этади.

Муқаддас УМАРБЕКОВА

Танловлар

ОЛАМНИ ТЕБРАТАР ТАДБИРКОР АЁЛ



МУСТАҚИЛ ЮРТИМИЗДА АЁЛЛАР ҲАМИША ЭЪЗОЗ ВА ЭЪТИБОРДА. ШУ БОИС БўЛСА КЕРАК ХОТИН-ҚИЗЛАРИНИНГ ЎРНИ НАФАҚАТ ОИЛАДА, БАЛКИ ЖАМИЯТДА ОРТИБ БОРМОҚДА. УЛАР ХОНАДОН ШАМЧИРОФИ БўЛИБГИНА ҚОЛМАЙ, МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚ ХўЖАЛИГИНИНГ БАРЧА ЖАБҲАЛАРИДА ФАОЛЛИК КўРСАТМОҚДА. ТАДБИРКОРЛИККА ОЧИЛГАН КЕНГ ЙўЛДА ҲАМ БУГУНГИ КУНДА АЁЛЛАРИНИ ОДИМИ ДАДИЛ, САБР-ҚАНОТИ МУСТАҲҚАМ. УНЧА-МУНЧА ИШБИЛАРМОН ЭРКАКЛАРИ ҲАМ ОРТДА ҚОЛДИРАЁТГАН ТАДБИРКОР ХОТИН-ҚИЗЛАРИМИЗГА БУГУН ТАН БЕРМАЙ ИЛОЖИМИЗ ЙўҚ.

дастурида кўрсатилган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, пировард натижада ҳар бир оилада тadbиркорликнинг бирор турини ривожлантириш омилларини кенг тарғиб этиш, шунинг баробарида тadbиркор аёлларимиз ўртасида саховатлилик, бағрикенглик, меҳрибонлик, раҳм-шафқатлилик, ўзгалар учун қайғуриш каби олижаноб хислатларини намойиш этиш асосий мақсад ва вазифалар сирасига кириди.

Кўриқ-танловда пойтахтимизнинг ҳар бир туманидан тadbиркор аёллар орасидан саралаб олинган 11 та аёл иштирок этди. Ҳар бири ўз йўналишига эга бўлиб, болалар озиқ-овқатлари, қандалат маҳсулотлари ишлаб чиқараётган, фермер хўжалиги ташкил этган, зардушлик хунарини эъзозлаётган, тиккан миллий либоси замонавий пардалари билан олқиш олаётган, ўқув маркази очиб, ёшларга сабоқ бераётган, қасаначилик риво-

бажаришдаги оқилолик, оила бюджетини мустаҳкамлашдаги барча аъзоларнинг ҳиссаси ҳақидаги фикрлар ва сўнги эркин мавзуси шартини амалга оширишдаги маҳорат, ифодали ўқиш, саҳна кўринишлари, жозибador рақслар нафақат ҳайрат аъзоларини, тумошабдиларни ҳам ҳайратга солиб, қатнашувчи тadbиркор аёлларнинг бор қирраларини очиб берди. Шунингдек, ҳайрат аъзолари тadbиркор аёлларнинг саховат ва мурувват борасидаги фаолиятларига ҳам алоҳида аҳамият қаратдилар.

Танлов якунига кўра Шайхонтоҳур туманидан майиш хизмат соҳасида фаолият олиб бораётган Манзура Улмасова ғолибликни кўлга қиритиб, 1-ўринга сазовор бўлди. 2-ўрин эса Миробод туманидаги «Табасум қандалатлари» хусусий корхонаси раҳбари Табасум Абдуллаева ҳамда Ҳамза туманидан фермер хўжалиги раҳбари Робия

бири, мирободлик тadbиркор аёл Табасум Абдуллаева. — Аввало кўриқ-танлов ташкилотчиларидан маннуман. Чунки биз ушбу тadbирда нафақат ғолиблик учун беллашдик, балки дўстлашдик, тажриба алмашдик, ҳамкорлик қилишга аҳдлашдик. Барча ҳамкасбларимга тadbиркорлик ишларидан ривож тилаб, сағларимиз кенгайишини, фаоллигимиз янада ортишини истаб қоламан.

Сўзимизни мухтасар айлар эканмиз, танлов иштирокчилари шодлигига шерик бўлган ҳолда уларни бир кўлида бешик, бир кўлида эса оламни тебратётган аёллар сирасидан оламни алоҳида таъкидлашни лозим топдик.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТЛАРДА: кўриқ-танловдан лавҳалар. Наталья Семёнова олган суратлар

Семинарлар

ҚОНУНЛАР ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

КҮНИ КЕЧА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАН ҲОКИМЛИГИНИНГ МАЖЛИСЛАР ЗАЛИДА ТОШКЕНТ ШАҲАР СТАНДАРТЛАШТИРИШ ВА МЕТРОЛОГИЯ БОШҚАРМАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲАР ДАВЛАТ СОЛИҚ БОШ БОШҚАРМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР БОШҚАРМАСИ ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲАР ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ЖАМИЯТЛАРИ ХУДУДИЙ БИРЛАШМАСИ ҲАМКОРЛИКЛАРИДА Ўқув-СЕМИНАР ЎТКАЗИЛДИ.

етакчи мутахассис ҳамда ҳуқуқшунослар иштирок этишди. Мустақиллигимиз шарофати билан барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар инсон манфаатига хизмат қилмоқда. Яъни, юртимизда халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида фуқароларнинг ҳуқуқий онги, маданиятини ошириш, яъни тadbиркорликни ривожлантириш борасида уларни текширишни янада қисқартириш ва ушбу тизимни такомиллаштириш чора-тadbирларини кўллаш,

ҳуқуқий ҳимояни таъминлаш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ва хизматларнинг сертификатлаштирилиши, солиқ ва савдо қоидаларига амал қилиш, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор қаратилмоқда. Ўқув-семинарда кун тартибидеги асосий масалалар юзасидан билдирилган барча фикр ва мулоҳозалар, савол-жавоблар инобатга олинган ҳолда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ МУСТАҲҚАМ ҲИМОЯДА

МАМЛАКАТИМИЗДА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ БОРАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИЗЧИЛ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ЎЗ САМАРАСINI БЕРМОҚДА.

Текширишларни ташкил қилишнинг қонуний ва адолатли тизими яратилгани, айниқса, уларнинг сони кескин қисқартирилгани тadbиркор эркинлигининг муҳим кафолатига айланди.

Президентимиз Ислам Каримов 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришни энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида айна шу масалага яна бир бор эътибор қаратган эди. Сармоясини аниқ бир ишга йўналтириб, ўзининг мулки ва маблағини ўртага қўяётган тadbиркор ҳеч бир давлат амалдори, текширувчи ўзининг мулки ва бизнесига дахл қилишга ҳаққи йўқлигига ишонч ҳосил қилиши лозимлиги алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасида ўтказилган учрашувда давлатимиз раҳбари томонидан қўйилган ушбу вази-

фаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди. Унда давлат бошқаруви ва назорат органлари, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раҳбарлари ва тadbиркорлар иштирок этди.

Тadbиркорлик субъектларининг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш прокуратура органларининг асосий вазифаларидандир. Уларнинг фаолиятини руҳсатсиз текшириш, молиявий ва ишлаб чиқариш жараёнларига ноқонуний аралашуш каби ҳолатларга қарши курашуш борасида тизимда зарур чора-тadbирлар амалга оширилмоқда. Тadbиркорлар ҳуқуқий ҳимояси ўз ифодасини топган қонунлар, Президент фармонлари ва қарорлари, ҳукумат қарорлари ҳамда уларнинг ижроси устидан прокурор назорати изчил таъминланмоқда.

2006 йили ва жорий йилнинг биринчи чорагида бу йўналишда назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ўтқа-

зилган назорат тadbирлари давомиде тўрт мингдан зиёд қонунбузилиш ҳолати аниқланди. Уларга нисбатан беш мингдан зиёд прокурор назорати ҳужжатлари қўланилди. Ноқонуний ҳуқуқий ҳужжатларга 1600 протест киритилди. 846 нафар мансабдор шахс оғохлантирилди. Икки мингга яқин шахс маъмурий ва интизомий жавобгарликка тортилди. Тadbиркорлар ҳуқуқларини кўпол равишда бузган ҳамда ноқонуний текшириш ўтказишга йўл қўйганларга нисбатан юзга яқин жиноят иши кўзатилди.

Йиғилишда бундай ҳолатларга барҳам бериш, юртимизда аҳоли бандлигининг муҳим омили, иқтисодийтимизнинг таянчи ва суянчига айланаётган тadbиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида барча имкониятларни ишга солиш лозимлигига эътибор қаратилди. Айрим мансабдор шахслар томонидан тadbиркорларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қара-

тилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини бузиш, уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашуш ҳамда тadbиркорликнинг ривожланиши йўлида сунъий тўсиқлар яратиш ҳолларига қатъий чек қўйиш зарурлиги қайд этилди.

Шу билан бирга, яратилган кенг имкониятлардан фойдаланиш, қонуний фаолият юритиб, жамият раванкига ҳисса қўшиш тadbиркорларнинг бурчи экани алоҳида таъкидланди. Зеро, улар орасида солиқдан қасддан бўйин товлаш, кредитларни талон-тарож қилиш, маблағларни ноқонуний айлантириш каби салбий ҳолатларга йўл қўяётганлар ҳам учраб турибди.

Анжуманда иштирок этган тadbиркорлар Адлия, Молия вазирликлари, Марказий банк, Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа давлат бошқаруви идоралари раҳбарларидан ўзларини қизиктирган саволларга батафсил жавоблар олдилар.

Норгул АБДУРАИМОВА, Ўза муҳбири

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИНИНГ ЎНИНЧИ БОБИДА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИНГ КАФОЛАТЛАРИ КўРСАТИЛГАН. УНДА «ДАВЛАТ ФУҚАРОЛАРИНИНГ КОНСТИТУЦИЯ ВА ҚОНУНЛАРДА МУСТАҲҚАМЛАНГАН ҲУҚУҚЛАРИ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ. ҲАР БИР ШАХСГА ЎЗ ҲУҚУҚ ВА ЭРКИНЛИКЛАРИНИ СУД ОРҚАЛИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ, ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИ ВА МАКСАБДОР ШАХСЛАР, ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИНИНГ ФАЙРИҚОНУНИЙ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИ (ҚАРОРЛАРИ) УСТИДАН СУДГА ШИКОЯТ ҚИЛИШ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНДИ», ДЕГАН ҚОИДА МУСТАҲҚАМЛАНГАН.

Ҳуқуқий давлат сари ЭНГ АСОСИЙ МАСАЛА

Шу тариқа Ўзбекистон республикаси Конституциясида инсон омили биринчи даражага кўтарилган. Бунинг билан Конституцияимизнинг муқаддимаси ҳамда фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларини бағишлаган иккинчи бўлимга киритилган V-XI бобларнинг 18-46-моддаларида қонуний тарзда белгилаб қўйилганлигида қўришимиз мумкин. Мухтасар қилиб айтганда, Конституциянинг 128 та моддасидан 34 таси фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчларига бағишланган.

Юртобшамизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари—олий қадрият» мавзусидаги маърузаларида «Бугун инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари, уларни ҳар томонлама ҳимоялаш ва таъминлаш, жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш йўллари ҳақида гапирар эканмиз, бу мавзу дунёда ҳар доим, айниқса сўнгги йилларда энг ўткир ва долзарб масалага айланиб бораётганлигини яққол кузатиш мумкин ва бунинг табиий ҳол деб қабул қилишимиз керак» деб таъкидлаб ўтдилар.

Инсон ҳуқуқларининг дахлсизлиги ва уларнинг ҳимоя қилинишининг қонуний тарзда давлат томонидан кафолатланганлиги Конституцияимизда инсон омилининг биринчи даражага кўтарилганлигидан далolat беради.

Бундай улкан ютуқлар мустақиллигимиз маҳсули сифатида юзага келди. Мустақиллик ўзбек халқи учун тамомил янги давр, туб бурилишдир. Бу даврда халқимизнинг ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи рўйбга чиқди.

Конституция бўйича жисмоний ва юридик шахсларга берилган ва кафолатланган кенг қўламдаги шахсий, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари бунга эътиёжи турилган пайтда даъво асосида суд орқали ҳимоя қилиш, бозор иқтисодиётга ўтишининг ҳозирги босқичида ўта муҳим аҳамиятга эгадир.

Бир сўз билан айтганда, Асосий Қонунимизда белгилаган демократик ҳуқуқий давлат қуришининг фундаментал асослари ва инсонларга берилган кенг қўламдаги ҳуқуқ ва эркинликлар ва уларнинг кафолатлари билан боғлиқ масалаларни амалга ошириб бориш давлатимиз олдида турган энг асосий масалалардан бири ҳисобланади.

Мунис КЛИЧЕВ, Тошкент Давлат юридик институти талабаси



ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ВА УНИНГ «КАМОЛОТ» ЁИХ БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН 2007-ЙИЛ «ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ» ЙИЛИ ДАВЛАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ, ТАЛАБАЛАРНИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ОЛДИДАГИ МАСЪУЛИЯТЛАРИНИ ОШИРИШ, БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «МИНГИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ» ҲАҚИДА ТҮЛИҚ МАЪЛУМОТ БЕРИШ, ЁШЛАР ЎРТАСИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ТАРФИЙ ҚИЛИШ, ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ МАҚСАДИДА УНИВЕРСИТЕТ МИҚЁСИДА БИРИНЧИ МАРТА «МИНГИЛЛИК РИВОЖЛАНИШ МАҚСАДЛАРИ ВА УНИ ҲАЁТГА ТАТБИҚ ЭТИШДА ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ» МАВЗУСИДА 1-ТАЛАБАЛАР КОНФЕРЕНЦИЯСИ ЎТКАЗИЛДИ.

2007 — Ижтимоий ҳимоя йили

ЁШЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШ — МУҲИМ МАСАЛА

Анжуманинг очилишида сўзга чиққан Тошкент Давлат иқтисодий университетининг ректори Баҳодир Ходиев мақсадларни амалга оширишда ҳамкор ташкилотлар ва маҳаллий ҳамжамиятлар жамоаси, айниқса ёшларнинг биргаликдаги сайёҳаракати талаб этилиши, талабаларнинг мақсада эришиш муҳимлигини тушуниши ва бу жараёнда жалб этилган барча томонлар ўртасида узлуксиз мулоқот олиб борилиши кераклиги ҳақида гапирди.

Талабалар конференциясининг биринчи босқичи талабаларга МРМнинг қабул қилиниши, унинг асосий йўналишлари ва мақсад-вазифалари, уни тадбиқ этишда, ёшларнинг ўрни ва республика-мизнинг «Мингиллик ривожланиш мақсадлари»га эришиш йўлидаги ютуқлари ҳақида маълумотлар берилди. Ҳар бир мақсад бўйича таклиф этилган эксперт-мутахассислар, университет профессорлари ва фаол талабалардан иборат гуруҳ 8 та мақсад ҳақида тўлиқ маълумот берди.

Конференцияда республика-мизда бошланғич, ўрта ва касб-ҳунар таълими тизимида гендер тенглигига эришилгани, умумий баҳарамандликни сақлаб қолган ҳолда, бошланғич ва умумий ўрта таълим сифатини оширишдаги сайёҳаракатлар, касалликларнинг олдини олишга қаратилган ижобий чора-тадбирлар, ижтимоий ҳимоя соҳасидаги ютуқлар алоҳида таъкид-лаб ўтилди.

ри, гуруҳ сардорлари, шунингдек ҳар бир йўналиш бўйича экспертлар иштирок этдилар.

Анжумани ташкил этишда таълим муассасалари ўқув-тарбия жараёнига янги илғор педагогик воситаларни фаол татбиқ этиш, маънавий-маърифий ишлар кўламини янада кенгайтириш, ўқув-семинарларни ўтказишда интерфакл усуллардан кенг фойдаланиши, замонавий ахборот технологияларини амалиётга татбиқ этишга катта аҳамият берилди.

«Мингиллик ривожланиш мақсадлари ва уни ҳаётга татбиқ этишда ёшлар фаоллигини ошириш» мавзусидаги 1-Талабалар конференциясининг 2-қисмида талабалар ўртасида турли савол-жавоблар ўтказилди. Улар экспертларга ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этиб, саволларига тўлиқ жавоблар олишди. Айниқса, бўлажак иқтисодчилар ОИВ/ОИТС, сил касаллигига ва безгакка қарши курашиш бўйича тўхталиб, ушбу глобал муаммони бартараф этишда ёшларнинг фаоллигини ошириш муҳимлигини таъкидлаб ўтилди.

Азимжон ХУСАНОВ,
Тошкент Давлат иқтисодий университети, «Халқаро бизнес» факультети, 2-босқич талабаси

«СОҒ ТАНДА СОҒ АҚЛ» ДЕЙИШАДИ ДОНО ХАЛҚИМИЗ. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ ОТА-ОНАЛАР ФАРЗАНДЛАРИНИ ТУРЛИ СПОРТ ТҮГАРАКЛАРИГА ҚАТНАБ АЛБАТТА, УЛАРНИНГ СОҒЛОМ, БАҚУВВАТ, АҚЛИ БҮЛИБ ВОЯГА ЕТИШНИ ИСТАШАДИ.

Спорт

ФАРЗАНДАРИ СОҒЛОМ ЮРТ ҚУДРАТИ БЎЛУР

Хусусан, пойтахтимизда жойлашган «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуаси ҳам келажақ авлоднинг соғлом ва бақувват бўлишига ўз хиссасини қўшиб келмоқда. «Жар» спорт соғломлаштириш мажмуасида жуда кўп спорт турлари бўйича тўғарақлар фаолият юритади. Улар орасида сузиш спорти тўғарақининг ўзига яраша ўрни катта. Зеро, сузишнинг ҳам ўзига яраша қонун-қоидалари бор. Сузиш спорти бўйича мураббийлик қилаётган Зулайхо Каримова-нинг қўл остида таълим олаётган болажонлар кўпчилигини ташкил қилади.

Тўғарақка 6 ёшдан 12 ёшгача бўлган болажонлар қабул қилинади. Мураббий Зулайхо Каримова жажжи сувеварларга сузиш бўйича бошланғич ҳаракатларни ўргатишдан бошлаб иқтидорли ёшларни қатор спорт мусобақаларига жалб этиб келмоқда.

— Бизнинг сафимиздан ҳам Артур Григорян, Руслан Чагаев ва бошқа танлиқ спортчилардек чемпионлар етишиб чиқса ажаб эмас. Келажақда, албатта, Осиё ва жаҳон чемпионларини тайёрлашга кўмаклашамиз, — дейди жонқуяр, ўз касбининг билимдони бўлган Зулайхо Каримова.

Руфат НЕЪМАТОВ,
Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети-нинг халқаро журналистика факультети талабаси

«КЕЛАЖАК ОВОЗИ» ЁШЛАР ТАШАББУСЛАРИ МАРКАЗИ 2007 — ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ЙИЛИДАГИ ИШ РЕЖАСИГА МУВОФИҚ ИСТЕЪДОДЛИ ВА ТАШАББУСКОР ЁШЛАРНИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИ ВА ТАЖРИБАЛАРИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҲАРАКАТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРГАН ҲОЛДА, ИҚТИДОР ЭГЛАРИ УЧУН ЎҚУВ-СЕМИНАР МАШҒУЛОТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА ДАВОМ ЭТМОҚДА.

Анжуманлар

ДИЗАЙНЕРЛАР УЧУН ТАЖРИБА МАКТАБИ

Шундай семинар-тренинглardan бири куни кеча «Келажақ овози» Ёшлар ташаббуслари маркази биносида ўтказилди. Мазкур семинар «Мода бошқаруви» деб номланган бўлиб, Германия Федератив Республикаси ва давлатимиз ўртасида қабул қилинган «Хусусий мулкчиликни шакллантиришга ёрдам бериш тўғрисида» ги ҳужуматларо келишув доирасида мамлакатимизда фаолият юритаётган SES (Senior Expert Service) ташкилотининг дизайн оламидаги мутахассислари ҳамкорлигида ўтказилди.

«Мода ва унинг бошқаруви», «Дизайн саноати ва чакана савдо», «Масофадан туриб сотиш ва уни олиб бориш йўллари», «Ипак, жун, чарм ишлаб чиқаришнинг тадқиқ қилиш» ва «Ёш дизайнерларнинг ранг танлаш маҳорати» каби олти-та ёш мутахассислар учун муҳим бўлган мавзулар кўриб чиқилди.

Семинар доирасидаги маърузаларни Ганновер шаҳри Дойсбург университети профессори Питер Дум ўқиди. Шу куни, айниқса, вилоятлардан ташкил бўлган ёшларимиз алоҳида фаолият кўрсатди. Ёшларнинг кўтаринки кайфияти остида ўтган бу семинарда немис мутахассиси иштирокчи-ларнинг гайрат ва шижоатларига қойил қолганлигини қайд этиб ўтди. Семинарда иштирок этган ёш дизайнерлар уйлари-га кўтаринки кайфият ва янги билим билан қайтишди. Жаноб Дум ва ёш

дизайнерлар ўртасида келажақда тажриба алмашиш учун алоқалар ўрнатилди.

Ўтказилган семинар-тренингда ҳақида «Тасвирий ва амалий санъат» коллежи З-босқич талабаси Шахзода Мамадалиева шундай дейди: «Бу семинардан ўзимга керак бўлган барча маълумотларни олдим. Либослар учун ранг танлаш, бозор иқтисодиётида мода саноати, ёш дизайнерларга бериладиган тасвиялар, чет элда танлиқ бўлган дизайнерлар фаолияти ҳақидаги маълумотлар мени бу соҳадаги тажрибамни бир поғона кўтарди, десам янглишмайман».

Замонавий билим ва кўп йиллик ҳориз тажрибаси ёшларимизни бундан кейинги фаолиятларида, иш тажрибасида қўл келишига ишонамиз.

Абдусалом СИДДИҚОВ,
Ёшлар ташаббуслари маркази матбуот хизмати ходими

Тадбирлар

ЯНГИ ИҚТИДОРЛАР АНИҚЛАНДИ

ри ҳақида қатнашчиларга кенг ва апрофилли маълумот берилди.

Маълумки, мазкур компания 1996 йилда иқтидорли талабаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган бўлиб, Осиёдаги 17 та мамлакатнинг 34 та университетларини ўз ичига қамраб олган. Ушбу йирик университетлар қаторига Ўзбекистондаги иккита олий ўқув юрти — Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳамда Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент Давлат техника университети ҳам кирган.

Ҳар йили ушбу 34 та университетлардан саралаб олинган 800 нафар иқтидорли талабалар «Сумитомо Корпорэйшн» компаниясининг стипендиясига ҳамда сертификатларига эга бўлишади. Шулар қаторида ҳар йили ЎЗМУ ва ТДУнинг 10 нафардан 20 та иқтидорли талабалари мазкур компаниянинг стипендия ва сертификатларига сазовор бўлиб келишмоқда.

Ушбу компаниянинг стипендиясига сазовор, деб топилган талабалардан аввало, ўзларининг соҳалари бўйича кўчур билимга, салоҳиятга эга бўлиши билан бирга бор қобилиятларини эркин намоён қила олиши каби юксак иқтидорга эга бўлиши талаб эти-

лади. Бу эса, талабанин ўз устида тинимсиз изланишга, муваффақиятлар сари илдам боришга қарайди.

Шундан сўнг тадбир ташкилотчилари томонидан, «Сумитомо Корпорэйшн» компанияси томонидан икки университет талабалари орасидан саралаб олинган 2007 йилги стипендия соҳиблари эълон қилинди.

Тадбир сўнгиде, Япониянинг Ўзбекистондаги элчиси Юичи Кусумотога ҳамда «Сумитомо Корпорэйшн» компаниясининг Тошкентдаги ваколатхонаси раҳбари Масаки Оучига дўстлик рамзи сифатида ўзбек миллий либослари совға қилинди.

Айтиб ўтиш жоизки, ушбу стипендия ва сертификатга сазовор бўлиш учун қўллаб талабалар ўзларининг бор куч-гайратларини, истеъдодларини намоий этишди. Мазкур стипендия талабаларни нафақат моддий, балки энг асосийси, руҳан рағбатлантиради.

— Муҳими билим бўлса, ҳамма нарсага эриша бўлади, — дейди стипендия соҳиб, Тошкент Давлат техника университети талабаси Равадан Сайидкулов. — Бунинг учун мамлакатимизда барча шарт-шароитлар яратилган.

Баҳодир ХОЛМАТОВ

Танловлар

МУНОСИБ ТАҚДИРЛАНДИ

ПОЙТАХТДА ЖОЙЛАШГАН СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДА ФАОЛИЯТ ЮРИТАЁТГАН ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ДУНЁҚАРАШНИ ШАКЛЛАНТИРИШ, УЛАР ҚАЛБИДА МИЛЛИЙ ҒОЯ, МИЛЛИЙ МАФКУРА, ЎЗ МИЛЛИЙ УРФ-ОДАТ ВА АНЪАНАЛАРИГА МЕҲР-САДОҚАТ ТУЙҒУСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАҚСАДИДА ЯҚИНДА СОБИР РАҲИМОВ ТУМАНИ «ЁШЛИК» ТАЛАБАЛАР ШАҲАРЧАСИДАГИ «МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ» МАРКАЗИДА ПОЙТАХТНИНГ БАРЧА ТУМАН ҲУДУДИЙ ТИБИЁТ БИРЛАШМАЛАРИДАГИ ЁШЛАР ЎРТАСИДА «НАВРЎЗ МАЛИКАСИ» КЎРИК-ТАНЛОВИ ЎТКАЗИЛДИ.

Тадбирни ўтказишдан эса бир қатор хайрли мақсадлар қўзланди. Хусусан, тиббиёт ходимларининг интеллектуал салоҳиятини ошириш, уларнинг ижодий изланишларида кўмак бериш, соғлиқни сақлаш тизимида фаолият кўрсатаётган иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини тарғиб қилиш, тиббиёт ходимлари онги ва дунёқарашининг кенгайтириш, иқтидорларини кўрсатишга имконият яратиш кабилар шулар жумласидандир.

Тадбир «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар бўлими, Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси ва «Ёшлик» талабалар шаҳарчасининг «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамкорлигида ўтказилди. Иштирокчилар 4 та шарт бўйича беллашди:

«Топқир» деб номланган 2-шарта иштирокчи экранда кўрсатилаётган расмга берилган таърифларга суняни унинг номини топиши керак бўлди.

«Уй бекаси» шартда иштирокчилар қанчалик эпчил ва чаққонлигини намоий этишди. Уларга мош, гуруч, бугдой аралаштирилиб берил-

ди, биринчи бўлиб мош, гуруч, бугдойни ажратган иштирокчи 10 балли қўлга киритди.

Охириги шартда эса иштирокчилар караоке ёрдамида Ўзбекистонни мадҳ этувчи, Наврўз айёми, баҳор фаслини тарабонам этувчи қўшиқни ижро этиб, шу билан санъатга бўлган иқтидорли ва истеъдодини намоён этишди.

Йиғилганларнинг қўллаб-қувватлаши ва иштирокчиларини ушбу танловга катта тайёргарлик кўрганлари бос тadbир ниҳоятда кўтаринкилик ва завқу шавқ билан ўтди.

Барчада катта таассурот қолдирган ушбу танловда голиб ва иштирокчиларга «Камолот» ЁИХ Тошкент шаҳар Кенгаши томонидан диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Азиза МУҲАМЕДОВА

МУСТАҚИЛ ЎЗБЕКИСТОНИМИЗ ЯНАДА РАВНАҚ ТОПАЁТГАН ҲОЗИРГИ ДАВРДА ЁШЛАР ЎРТАСИДА ЧЕКИШ, ГИЕВАНДЛИК, НАШАВАНДЛИК, НАРКОМАНИ, СПИРТЛИ ИЧИМЛИКЛАР ИСТЕЪМОЛ ҚИЛИШ КАБИ ЗАРАРЛИ КЎНИКМАЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МАСАЛАСИ МУҲИМ БЎЛИБ ҚОЛМОҚДА.

Ҳозирги кунда республика-мизда зарарли одатларнинг инсон ҳаётига бўлган таъсири ҳақида оммавий ахборот воситалари, радио, телевидение орқали кенг ёритилиб, бонг урилмоқда. Минг афсуски баъзи бир ёшлар билиб-билмай унинг домига ўзларини урмоқдалар. Чекиш, гиевандлик

спиртли ичимлик ичиш ёшларнинг саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга халал берувчи энг катта говлардан биридир. Баъзида болалар ўртасида бундай ичкиликбозлик, гиевандлик каби аср вабосининг тарқалишига ота-оналарнинг ўз юмушлари билан бандлиги, болаларни назоратсиз қол-

Мулоҳаза

СОҒЛОМ ТАНДА — СОҒ АҚЛ

диришлари, оилавий низолар, ортиқча бойлик орттиришига ружу қўйиш, боланинг керагидан ортиқча пул билан таъминланганлиги ва бошқа омиллар сабаб бўлмоқда.

Маълумки, бу иллатлар мамлакат тараққиётига, инсон камолотига салбий таъсир этади. Шунинг учун ҳам ичкилик ва наشاءандлик ёшлари-мизни сақлашга, унга қарши

курашишга биргаликда ҳаракат қилмоқ керак. Айниқса бу борада ёшларнинг ўзлари ташаббускор бўлсалар, тенгдошларига намуна бўлиб, адашганларни соғлом турмуш тарзига қайтаришга хисса қўсалар нур устига аъло нур бўлар эди.

Ватанимиз тараққиётига ҳар қандай шароитда ҳам хисса қўша оладиган муносиб фарзандлар бўлсак, унинг

обрў-эйтибори янада баланд бўлиши шубҳасиз.

Бир сўз билан фикримизни ифодаламакчи бўлсак, зарарли оғуни сурункали истеъмол қилиб юрвучи кишилар атроф-муҳит учун ҳам, оила ва жамият учун ҳам хавфлидир. Шу боис мамлакатимиз худудиде чекиш, гиевандлик, наشاءандлик, наркомания иллатларининг томир отишининг олдини олиш ва унга қарши курашиш ҳар бир фуқаронинг ватанпарварлик бурчидир.

Ҳилола МУТАЛОВА



САҲОВАТДАН ЧЕТДА ҚОЛМАЙЛИК

Мамлакатимиз пойтахти—Тошкент шаҳрида жойлашган, халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Ҳазрати Имом (Ҳастимом) маъморий мажмуасида қурилиш, таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида «Ҳазрати Имом (Ҳастимом) жамоатчилик жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида» Президентимиз томонидан қабул қилинган Қарор бундан ҳамюртларимизнинг кўнгилларини хушнуд этди. Зеро, ушбу Қарор муқаддас ислом дини ва фалсафасини, унинг инсонпарварлик ғояларини кенг ёйишга хизмат қилиб келаётган илмий-маърифий марказнинг асл тарихий қиёфасини тиклаш, бу ерда кенг қўламли қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш, мажмуаниннг инфратузилмасини ҳар томонлама ривожлантиришда муҳим ўрин тутаети.

Уйлашимизки, мамлакатимизда бу улғу ва савобли ишга ўз хиссасини қўйиш ниҳатида бўлган инсонлар, корхона, ташкилот ва муассасалар, тадбиркор ва ишбилармонлар қўллаб-қувватланади.

Биз газетамиз орқали ана шундай саховатпешаларга

ҲАЗРАТИ ИМОМ (ҲАСТИМОМ) ЖАМОАТЧИЛИК ЖАМҒАРМАСИНИНГ ХИСОБ РАҚАМЛАРИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:
СТИР: 206849483
МФО: 00423
Х/р: 2012000604589442001
АТИБ Ипотека банки Меҳнат филиали.

Таълим

КАСБ МАҲОРАТИГА БИР НАЗАР

ЯҚИНДА АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ МАДАНИЯТ ИНСТИТУТИДА ТАЛАБАЛАРНИНГ XXXIII АНЪАНАВИЙ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ, ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ АНЖУМАНИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Анжумани институтнинг «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бошланғич ташкилоти, илмий ва илмий-педагогик ходимлар тайёрлаш сектори, «Кутубхона—ахборот фаолиятини бошқарув», «Халқ бадий ижодиёти», «Касбий педагогик тайёргарлик», «Ижтимоий маданий фаолият» ва «Кутубхона—ахборот фаолиятини бошқарув» факультетлари ҳамкорлигида ўтказилди.

Икки кун давом этган анжуманда, мазкур институтнинг факультет деканлари, ўқитувчилар ва талабалар «Ижтимоий—сиёсий, тарихий тараққиёт муаммолари», «Ўзбекистон тарихи ва маданиятшуносликнинг долзарб муаммолари», «Педагогика ва психология», «Маданиятда экология ва жисмоний тарбия», «Филология муаммолари», «Кутубхона ишларини такомиллаштиришнинг айрим муаммолари хусусида», «Кутубхоналар библиографик фаолиятининг айрим муаммолари», «Маънавият ва маърифат ишларини ташкил этишнинг долзарб масалалари», «Оммавий байрамлар ва халқ ижодиётини ривожлантиришнинг муаммолари» ҳамда «Профессионал мусика ижрочилиги масалалари» бўйича чиқишлар қилдилар. Бу анжуман ўқитувчилар фаолияти ва талабаларнинг билим доирасини яна бир бор такомиллаштириш йўлида олиб борилган самарали ишлардан биридир.

НУРЛИ ИСТИҚБОЛ САРИ

КУНИ КЕЧА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИДА «МАЪНАВИЯТ, МАЪРИФАТ, МАДАНИЯТ НУРЛИ ИСТИҚБОЛ САРИ» МАВЗУИДА ДАВРА СУҲБАТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

— Инсоннинг маънавий дунёси, маданий тушунчаси онг ва тафаккури нечоғли юксак даражада шаклланган бўлса, унинг дунёқарши, одамларга, жонли ва жонсиз табиятга бўлган муносабати ҳам шу даражада юксалган бўлади, — деди кечани институтнинг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Дағар Расулов кириш сўзи билан очар экан.

— Зеро маънавий қарашларимиздан, фикримизнинг теранлиги, билим доирамизнинг кенглиги, атроф муҳит билан мулоқотимиздаги жараёнлар бизнинг маънавий ва маданий дунёқарашимиздан дарак беради. Миллийлигимизда, анъана ва урф-одатларимиз, кадриятларимизда ҳам маънавиятимиз, маданиятимиз ўзининг нечоғли нафислиги, соф ва тозаллиги, ўзига хос тақдор-ланмас жиҳатлари билан ажралиб туриши жоиздир. Юртбошимизнинг маънавий-маърифий масалаларга кенгроқ ва жиддийроқ эътибор қаратаётганлари, бу масалага оид қарорларни ҳаётга татбиқ қилганларининг ўзи бу ишларга янада эътибор қаратишни талаб этади. Бугунги давра суҳбатимиз эса бунинг яққол исботидир.

Кечада институтнинг профессорлари, иқтидорли катта ўқитувчилари, магистр ва талабалари ҳам иштирок этиб, маънавий-маърифий масалаларга оид мавзуларда чиқишлар қилдилар. Шунингдек ҳар ойда бир марта ўтказилаётган «Маънавият кўни»га қўшимча равишда ойнаинг биринчи ҳафтасида институтда олиб борилаётган маънавий-маърифий масалаларга оид давра суҳбатлари, тадбирлар, турли танловлар олиб бориш режалаштирилиб олинди.

Гулчехра ДУРДИЕВА

Оз-Оз ўнганда
Домо бўлур...

МАШРИҚЗАМИН —
ҲИКМАТ БЎСТОНИ
ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

ҲИКМАТЛАР

Тил темирга, тошга ҳам ўхшаш эрур,
Тилдан учган сўз гаҳи оташ эрур.

Бир суҳан оламни вайрон айлағай,
Тулқини ўрмонда султон айлағай.

Сабру бардошдир — етуклар туйғуси,
Қанду ҳалводир — гўдақлар орзуси.

Кимки сабр айлар, самога ўрлағай,
Кимки ҳалво ер, муқаррар терлағай.

Нафс қули... ҳарорат ичрадир.

Сўзни ҳам тинглаш керакдир аввало.

Илму ҳикмат очилур пок лукмадин,
Меҳру шафқат сочилур пок лукмадин.

Лукмада эрса ҳасад ё макру дом,
Жаҳлу гафлат келтирур андох ҳаром.

Арпа олмайсен магар бугдой экиб,
От деган тойчоқ туғар, туғмас ҳўтик.

Лукмадин киргай оғизга ҳар қачон:
Майли хизмат, азму орзуи жаҳон.

Чун паришонлик назарни боғлағай,
Бесамар бўлғай хунар, иш бермағай.

Кимки заргардир, чилангар бўлмағай,
Яхшининг хулқи ёмонга бормағай.

Ишларинг худди жиҳозлардек аён,
Рўзи маҳшарда келурлар сен томон.

Эй забон, озори дунёсен ўзинг.

Баски, ноқасликда қилдим мен ўйин,
Ўзни ноқасликка бой бердим кейин.

Ҳар куни кушларни сайёд сайд қилур,
Ногаҳон бир кун ўзи ҳам ов бўлур.

Ким севилгайдирки, бас, севгайдир ул.

Селни боғла тўлқин урмай, ўйнамай,
Йўқса ул ҳар ённи вайрон айлағай.

Дил тополмасан магар дил бермасанг.

Кимки арзон олса, ул арзон берар,
Ёш бола гавҳарга бурда нон сўрар.

Ухлагандан яхшидир жаҳду жадал.

Мадҳ — шириндир, магар кўздин ниҳон,
Таъна — аччикдир, кўрингай ул ёмон.

Ҳақ иноят этмаса, нетгай киши,
Гарчи шоҳдир, бесамар кетгай киши.

Сўйи борлиққа адамдин ҳар замон,
Йўлланур карвон кетидин карвон.

Кимниким Яздон ила бўлғай иши,
Воз кечур дунё ишидин ул киши.

Оқил инсон кўпу камга боқмағай,
Сел каби кечгай у, ортга боқмағай.

Гар гадо кибр этса, ул девонадир.

Эй санам, айт, борму асло кўрганинг,
Кўр учун ўзингга оро берганинг.

Гар жаҳонни бори дур-гавҳар этай,
Сенга рўзи этмаган эрса, нетай?

Ўт эмас, сув ҳайбати ортиқ магар,
Ўтни сувмас, сувни ул ўт қайнатар.


Кўзим охири кўргай, ул — расо,
Кўзим охури кўргай, ул — хато.

Неча бир йиллар керакким, офтоб —
Остида лаъл товланиб, олгунга тоб.

Эргаш ОЧИЛОВ
тайёрлаган



Жаннатмақон, хушманзара, сўлим ва файзли гўшаларимиз—маданият ва истироҳат боғлари айни кунда ҳамша-
харларимиз билан гавжум.



ЙОД ТАНҚИСЛИГИ — АСР МУАММОСИ

БУГУНГИ КУНДА
ЖАҲОН СОҒЛИҚНИ
САҚЛАШ ТАШКИЛОТИ
ЙОД ТАНҚИСЛИГИ
МУАММОСНИ
ХАЛҚАРО МИҚЁСДА
ҲАЛ ЭТИЛИШИ ЛОЗИМ
БЎЛГАН ДОЛЗАРБ
МАСАЛА ДЕЯ
ТАЪКИДЛАМОҚДА.

Дунёнинг турли мамлакат-
ларида мазкур муаммони
бартафат этиш борасида хал-
қаро кенгашлар ўтказилиб,
махсус чора-тадбирлар иш-
лаб чиқилган.

Олимларнинг фикрича
биргина кимёвий элемент —
йоднинг етишмаслиги инсон-
ият учун жиддий хавф туғ-
дирмоқда. Дарҳақиқат, хаво-
тирларда асос бор.

Йод — асосан туپроқ, сув
ва ҳаво таркибиде мавжуд
бўлади. Муаммонинг моҳия-
ти шундаки, мазкур уч таби-
ий унсур таркибиде йод мав-
жуд бўлган ҳудудлар ер юзи-
да у қадар ҳам кўп эмас. Сай-
ёрамизнинг 1,5 миллиард
аҳолиси йод таркиби паст
ёниги умуман мавжуд бўлма-
ган ҳудудларда истикомат
қилади. Ваҳоланки, йод киши
организми учун сув ва ҳаво-
дек зарур.

Киши нормал ҳаёт кечи-
риши учун аслида унча ҳам
кўп йод керак эмас. Оддий-
гинаси бир чой қошиқ йод
бутун умрга етарлидир. Ана
шу — граммнинг мингдан бир
улушига тўғри келадиган кун-
далик миқдор танамиздаги
мавжуд барча тизимлар фао-
лиятида бевосита иштирок
этади. Унинг етишмаслиги
эса, саломатлигимизга жид-
дий хавф солади.

Рақамларга мурожаат қил-

сак, бугунги кунда 400 мил-
лионга яқин киши йод танқ-
ислигининг клиник асоратла-
ридан азият чекмоқда. Мам-
лакатимизнинг кўп қисми
(тахминан 70 фоизи) йод тар-
киби паст ҳудудлар ҳисобла-
нади. Худди шу сабабдан
айни муаммо биз учун ҳам
долзарблик касб этади.

Мавзуга мутахассис нуқтаи
назари билан ойдинлик ки-
ритиш мақсадида Республи-
ка Эндокринология Институ-
ти Қалқонсимон без касал-
ликлари бўлими бошлиғи, тиб-
биёт фанлари номзоди Баҳо-
дир Бобохоновга мурожаат
қилдик.

— Йод киши организми
учун қанчалик зарур деб
ўйлайсиз?

— Йод элементининг ин-
сон организмидеги ўрнини
бошқа ҳеч қайси бир модда
тўлдиролмайди. У модда-
лар алмашинуви, асаб тизи-
ми, мия фаолиятини тартиб-
га солиш каби муҳим ҳаётий
вазифаларни бажаради. Бо-
лаларда ўсиш, жисмоний ва
ақлий жиҳатдан шаклланиш-
да йоднинг аҳамияти беқиёс-
дир.

— Кишидаги йод танқ-
ислиги аломатининг ташқи
белгилари мавжудми?

— Йод танқислигининг таш-
қи белгиларида яққол намоён
бўладиган жиҳати йўқ.
Йод танқислиги билан оғри-
ган беморларда ҳолсизлик,
иштаха пасайиши, иссиқ ва
совуққа таъсирчанлигининг
ортиши белгилари кузатила-
ди.

Организмдаги йод танқис-
лиги болаларда талай ўзга-
ришлар келтириб чиқаради.
Кўп ҳолларда ота-оналар, пе-
дагоглар топшириқларни ўз
вақтида бажармайдиган, тен-

гдошлари билан асабий му-
носабатда бўладиган, нофа-
ол, мақсадсиз болаларни
"дангаса", "кўрс", "феъли
оғир" дея ноўрин айблаша-
ди. Аслида, бола организми
йод етишмаслигидан азият
чекаётгани, унинг руҳиятида-
ги тушкунлик йод билан боғ-
лиқ эканлигини улар ҳис
қилишмайди.

— Йод етишмаслиги
аҳолининг қайси қатламла-
ри учун жиддий хавф туғ-
дирди?

— Йод эркак ва аёл ор-
ганизми учун бирдек зарур.
Бироқ, унинг етишмаслиги
аёллар ва болаларда асорат-
ли кечади. У аёлларнинг ре-
продуктив саломатлиқлариға
таъсир этиб, кўп ҳолларда
бепуштлиқ, болаларнинг эн-
демик кретинизм билан ту-
ғилишлариға олиб келади.

Болаларнинг ақлий риво-
жи учун йод беназир экан-
лиги ўнгги йиллардаги таж-
рибаларда ўз исботини топ-
ди. Бугунги кунда дунё бўйи-
ча 20 миллиондан ортиқ
киши болаликдан етарли
миқдорда йод моддасиға
тўйинмаганлиги учун он-
ги яхши ривожланмай
ақлий заиф бўлиб қолган.

— Киши организмнинг
йодга бўлган суткалик
эҳтиёжи қанча?

— Жаҳон Соғлиқни сақлаш
ташкилоти томонидан йодга
бўлган кундалик эҳтиёж меъ-
ёрлари ишлаб чиқилган:

90 мкг — 6 ёшгача бўлган
болалар учун;
120 мкг — 7 ёшдан 12
ёшгача бўлган болалар учун;
150 мкг — катталар учун;
200 мкг — ўсимирлар,
ҳомилдор ва эмизикли аёл-
лар учун.

Профилактика ва даволаш

тадбирлари учун кундалик
меъёри беморнинг ҳолати-
дан келиб чиққан ҳолда ши-
фокор — эндокринолог бел-
гилайди.

Мамлакатимиз аҳолиси-
нинг аксарияти бир кеча-кун-
дузда 40-70 мкг йод истеъ-
мол қилади. Кўриниб туриб-
дики, бу жуда кам кўрсаткич.
Шу сабабдан йодга бўлган
эҳтиёжimiz доимийдир.

— Организмдаги йод та-
нқислигини қоплаш мум-
кинми?

— Албатта. Табиат тарки-
биде йод мавжуд бўлган маҳ-
сулотлар бисёр. Бироқ, биз-
нинг заминимизда етилган бу
неъматларда йод моддаси
кам, деярли мавжуд эмас. Шу
боис унинг ўрнини йодлан-
ган ичимлик сувлари, ош
тузи, озиқ-овқат қўшимчала-
ри ҳисобидан тўлдиратиш ке-
рак.

Шуни унутмаслик керакки,
бу маҳсулотларни харид
қилаётганда уларнинг сақлаш
муддатига албатта эътибор
қаратиш лозим. Чунки йод
маҳсулот таркибиде ўз хусу-
сиятини узок вақт сақламай-
ди.

— Йод танқислиги билан
оғриган беморлар нима-
ларга эътибор қаратиши
лозим?

— Бундай муаммоси бор
кишилар кўш нури остида
кўп бўлмаслиқлари керак.
Тўғридан-тўғри тушадиган
ультрафиолет нурали қалқ-
онсимон безда туғунлар пай-
до бўлиши ёки уларнинг
қайта ҳолиланшиға олиб ке-
лади. Бу турдаги беморларға
физиотерапия, бўйин соҳаси-
ни уқалаш муолажалари таъ-
сия этилмайди.

Дилноза АХМАТОВА,
"Туристон-пресс"

ЯҚИНДА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИДА
БОЛАЛАР МУСИҚА ВА САЊАТ МАКТАБЛАРИ
ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АКАДЕМИК ЧОЛГУЛАР ВА ЭСТРАДА
ИЖРОЧИЛАРИ РЕСПУБЛИКА ТАНЛОВИ ОЧИЛДИ.

Санъат

ИСТЕЪДОДЛАР
ТАНЛОВИ

Маросимда Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари
вазирининг биринчи ўринбосари Б.Сайфуллаев иштирок этиб, кела-
жагимиз бўлган ёш санъат гунаҳаридан умидимиз катта эканлигини
айтди ва танловда уларға муваффақиятлар тилади. Танловнинг вилон-
ятларда бўлиб ўтган босқинида 1000 нафарға яқин ўқувчилар қат-
нашди. Республика танловиға эса 134 нафар иқтидорли ижрочилар
танлаб олинди. Танлов қатнашчилари фортепиано, скрипка, виолон-
чел, дамли ва зарбли чолғулар, эстрада чолғулари ҳамда эстрада
қўшиқчилиги бўйича куч синашмоқдалар.

Шуни таъкидлаш лозимки, танлов иштирокчилари учун «Ўзбеки-
стон» меҳмонхонасида барча шарт-шароитлар яратилиши билан бир-
га улар учун пойтахтнинг «Мустақиллик» майдони, Темурийлар тари-
хи Давлат музейи ва Тошкентнинг кўзга кўринган маданий ёдгор-
ликлариға экскурсиялар уюштирилмоқда. Таникли санъаткорлардан
ташқил топган нуфузли ҳакамлар ҳайъати голибларни аниқлашға
киришди.

Мухтасар КАРИМОВА

Мунажжим башорати

ШАРТНОМАЛАР ТУЗИШ, МУЗОКАРАЛАР
ОМАДЛИ БЎЛАДИ

2 МАЙ, ЧОРШАНБА
Инсонларнинг яхши фа-
зилатлари, сулҳпарварлик,
садоқат кўпроқ намоён
бўладиган кун бугун, дей-
ишади мунажжимларимиз.
Манзилнинг ўйинлар ва ин-
теллектуал машғулотлар
учун бугунги кун қулай
ҳисобланади. Шунингдек,
бугун — муҳим шартнома-
ларни имзолаш, йирик би-
тимларға эришиш, олам
кезиш ва саёҳатларға йўл

олишининг айни хайрли пай-
ти.
Бугун озиқ-овқатлар сифа-
тиға алоҳида эътибор бериш
талаб қилинади. Зеро, си-
фатсиз овқатлар жисмоний
ва руҳий ҳолатимизға салбий
таъсир этиши мумкин. Ши-
фокор буюрган парҳезға
катъий амал қилиш керак
бўлади.

Кўёб билан Ой Ерга нис-
батан бир тўғри чиқиб бўйлаб
ёки 90 даражали бурчак ос-

тида жойлашган бўлса, жуда
эҳтиёткор ва хушёр бўлиш
керак. Бундай кунлар фитна-
кор ҳисобланиб, шу кезлари
иғво, фикс-фужур ва алдов-
лар кўпаяди. Мунажжимлар
масъулятли музокаралар ва
муҳим тадбирларни шундай
пайтларға тайинлашнинг
маслаҳат беришади. Зеро,
одамлар шу кезлари ўзлари-
нинг ёмон хислатларини на-
моён этишға кўпроқ мойил
бўлишаркан.

Футбол

САҲАРДАН ҒАЛАБА
БИЛАН

КЕЧА БУХОРОДА УЮШТИРИЛГАН
«БУХОРО»—ПАХТАКОР» ЖАМОАЛАРИ
ЎЧРАШУВИ БИЛАН МАМЛАКАТ XVI
МИЛЛИЙ ЧЕМПИОНАТИНИНГ ЕТТИНЧИ ТУР
БАҲСЛАРИ НИҲОЯСИГА ЕТДИ.

Шу кунгача бешта ғалаба, битта дуранг билан тур-
нир жадвалида иккинчи ўринда бораётган Равшан
Ҳайдаров шогирдлариға уч очко зарур эди. Шу бо-
исми, тошкентликлар тезкор, ҳужумкор, комбина-
цион ўйин намойиш этишди. Аммо, майдон эгалари
ҳам чемпионға муносиб қаршилик қила олишди, бир
неча марта меҳмонлар дарвозаси олдида хавфли ва-
зиятларни содир этишға муваффақ бўлишди. Бироқ
маҳорат ва тажриба ботида бухорликлардан усту-
нлик қилган пахтакорчилар 73-дақиқада ҳисобда ол-
динға чиқиб олишди.

Тимур Копадзе томонидан мезбонлар дарвозаси-
ға киритилган ягона гол ўйин охириға қадар ўзгар-
мади.

Мамлакат XVI миллий чемпионатининг 8-тур ўра-
шувлари 4,5 май кунлари бўлиб ўтади.

Ақбар ЙЎЛДОШЕВ

БУГУН:
— бошлаб қўйган иш-
ларингизни давом эттириш;
— озиқ-овқатлар, спорт
анжомлари, асбоблар харид
қилиш;
— саёҳат ёки хизмат са-
фарлариға йўл олиш;
— меҳмондорчиликка бориш,
дўстона зиёфат уюштириш;
— тезда бир қарорға ке-
либ, уни тезда бажариш таъ-
сия этилади.

Косметика ва пардоз-ан-
дозларға зеб бериш, телеви-
зор олдида хаддан зиёд кўп
ўтиришдан ўзингизни тийин.
Кийимлардан қизил, оқ ва
настарин рангилариға усту-
ворлик берганингиз маъқул.

GERMANYA POYTAHXI BERLIN SHAHXRIDA
ЎСМИРЛАР ЎРТАСИДА 64 КАТАКЛИ
ШАШКА БЎЙИЧА ЎТКАЗИЛГАН ЖАҲОН
ЧЕМПИОНАТИ ЎЗ ЯКУНИГА ЕТДИ. УНДА
ЖАҲОННИНГ 13 МАМЛАКАТИДАН КЕЛГАН
120 НАФАБ ЁШ ШАШКАЧИ ИШТИРОК ЭТДИ.

ЎЗБЕКИСТОНЛИК ЁШ
СПОРТЧИ — ШАШКА
БЎЙИЧА ЎСМИРЛАР
ЎРТАСИДА ЖАҲОН
ЧЕМПИОНИ

Ўзбекистон терма жамоасини ўтган йили Санкт-Пе-
тербург шаҳрида ўсмирлар ўртасида ўтказилган чемпи-
онат голиблари — Саидқосим Алиев ва Нурали Раҳма-
тов, шунингдек, 2006 йилдаги жаҳон чемпионати кумуш
медали совриндори Гулсунбегим Алиевалар намоён
этиди.

14 ёшгача бўлган қизлар ўртасидаги мусобақаларда
бухоролик ватандошимиз Гулсунбегим Алиева энг яхши
натيجا кўрсатди. У ўзининг чемпионатидаги барча ўйин-
ларида ишончли ғалаба қозонди ва мuddатидан олдин
ўсмирлар ўртасида шашка бўйича жаҳон чемпиони ун-
вониға сазовор бўлди.

Ушбу ёш тоифасида иштирок этган Саидқосим Алиев
муросасиз кечган финал баҳсида украиналик спортчиға
имкониятни бой берди ва чемпионатнинг кумуш медали
совриндори бўлди.

16 ёшгача бўлган болалар ўртасида Нурали Раҳматов
ийгирма иштирокчи орасидан фахрли бешинчи ўринни
эгаллади.

Чемпионат ташкилий қўмитаси раиси Михаэль Рем-
хильд «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан бўлган
суҳбатда шуни таъкидладики, жаҳон чемпионатида ўзбе-
кистонлик ёш шашка усталари кўрсатган натижалар
Ўзбекистонда ушбу спорт тури оммавийлигидан ҳамда
ёш ўзбек спортчиларининг юксак маҳоратидан далолат
беради.

М.Ремхильд сўзлариға кўра, жаҳон чемпионати таш-
килотчи ва иштирокчилари турли мамлакатлар шашка
мактаблари билан бевосита танишиш имкониятиға эга
бўлди. Шу маънода мусобақа натижаларидан келиб чи-
қиб қайд этиш жоизки, ўзбек шашка мактаби ҳар то-
монлама ўрганишға лойиқдир.

— Бу галги турнир осон кечмади, унда менинг ёш
тоифам бўйича жаҳоннинг энг кучли шашкачилари иш-
тирок этди, — деди тақдирлаш маросимидан сўнг Гул-
сунбегим Алиева ўз ҳажонини яшира олмай, — Шунга
қарамай, мен ўз олдимға қўйилган вазифани бажардим —
чемпион бўлдим ва халқро майдонда она — Ўзбеки-
стонимизни муносиб намоён этдим.

2007 йилнинг ноябрь ойида Саарбрюкен шаҳрида
(Германия) катта ёшлар ўртасида шашка бўйича жа-
ҳон чемпионати бўлиб ўтади. Унда Ўзбекистон терма
жамоаси иштирок этиши кутилмоқда.

«Жаҳон» АА
Берлин

ТИЖОРАТ ХАВАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Хурматли ишбилармонлар ва
тадбиркорлар!

«Munitsipal Auktsion Markazi» sizlarni 2007 йил 5,
12, 19, 26 июнь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтадиган
аукцион савдолариға тақлиф этади.
Аукцион савдолариға Тошкент шаҳар ҳокимининг
қарорига асосан, Юнусобод тумани, Ҳасанбой — «2»
мавзе, Ҳамкор 1-тор кўчасида жойлашган яқка тартиб-
да уй-жой қуриш учун мўлжалланган сатхи 0.04 га
бўлган ер участкаси мерос қилиб қолдирилмаган ум-
брод эғалик ҳуқуқи Бошланғич баҳори 416 000 сўм
ҳамда Юнусобод тумани, Ҳасанбой — «2» мавзе, Ҳам-
кор 1-тор кўчасида жойлашган яқка тартибда уй-жой
қуриш учун мўлжалланган сатхи 0.01 га бўлган ер уча-
сткаси мерос қилиб қолдирилмаган умброд эғалик
ҳуқуқи Бошланғич баҳори 104 000 сўм қўйилади.
Аукцион савдоларида қатнашиш учун аризалар қабул
қилиш савдодан уч кун аввал тўхтатилади.
Савдода қатнашиш истagini билдирган талабгорлар
ер участкалари бошланғич нархидан 10 фоизи миқдо-
рида закалат пулини савдо ташкилотчиси «Munitsipal
Auktsion Markazi» АИКБ «Ипак йўли» МФО 00444, СТИР
300053338, 20208000104555055002 ҳисоб рақамиға
ўтказишлари шарт.
Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани
М-14, 19-уй.
Телефон: 144-88-04. Гувоҳнома: № 001568-09

Advertisement for horse riding and training. Includes a photo of a horse and rider, and text about lessons and equipment.
«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»
Эълонлар шанба ва якшанбадан ташка-
ри ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача
қабул қилинади. Маълумотлар учун
телефон: 133-28-95. Факс: (3712)
133-21-56. Манзиллими: Матбуотчилар
кўчаси, 32-уй, 2-қават, 208-хона.

Advertisement for Akmal Akromov, a lawyer. Includes contact information and a photo of the building.
Бош муҳаррир
Акмал АКРОМОВ
Манзиллими: 700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

Advertisement for a newspaper. Includes contact information and a photo of the newspaper.
ТЕЛЕФОНЛАР:
хатлар — 133-29-70; эълонлар: 133-28-95,
136-57-65. факс: (3712) 133-21-56.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563

Advertisement for a newspaper. Includes contact information and a photo of the newspaper.
Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатта олинган.
Ҳажми — 2 босма табоқ,
офсет усулида босилади.
2884 нусхада босилади.
Қоғоз бичими А-2

Advertisement for a newspaper. Includes contact information and a photo of the newspaper.
Нашри етказиб бериш масалалари бўйича турар
жойлардаги почта бўлимлариға еки «Тошкент
почтамти» — 133-74-05 телефонига мурожаат
қилишингиз мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер
марказида терилди ва сақдаланди.
«Шарқ» нашриёт-матбаа ақшадорлик компанияси босмоҳонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4 6
Топширилган вақти: 12.30